

Оламлар Роббиси ҳузурида қадри юксак зот Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам



12:09 / 02.11.2019 3351

Одам алайхиссаломдан то қиёматтагача Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам күтариған мартабага ҳеч бир инсон ета олмайди. У зот мана шундай олий мақом соҳибидирлар.

Аллоҳ таоло яратған халоиқнинг афзали - Одам фарзандларидир. Одам алайхиссалом зурриётларининг афзали - мусулмонлардир. Мусулмонларнинг афзали - анбиё ва расуллардир. Анбиё ва расулларнинг афзали - сабру матонатли беш расуллардир. Ушбу сабру матонатли беш расулларнинг (барчаларига Аллоҳнинг саломи бўлсин) ҳам энг афзали - Мұхаммад алайхиссаломдирлар.

Оламлар Роббиси ва барча халоиқнинг Холиқи бўлган Аллоҳ азза ва жалла Мұхаммад алайхиссаломни қай даражада иззат-икром қилганини ва у зот алайхиссаломнинг қадр-қиммат ва мартабаларини қай даражада юксак этганини ҳамда у зот алайхиссалом ва умматларигагина ато этган хос фазл-марҳаматини билган инсоннинг Мұхаммад алайхиссаломга бўлган эҳтироми, иймон нури ва муҳаббати зиёда бўлаверади.

Аллоҳ таоло Ҳабибимиз Мұхаммад алайхиссаломга хос қилған хусусиятлар, фазилат ва ҳурмат-әхтиромлар жуда ҳам күп бўлиб уларнинг қамровини Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзигина билади. Бу ўринда ана шу хусусиятларнинг айримларини муфассал ва яна айримларини мухтасар ҳолда баён этамиз. Ушбу хусусиятлар билан танишиб чиққан ҳар бир мусулмон банда ўзида Мұхаммад алайхиссаломга уммат эканлигидан фахр-ифтихор туйғусини ва бундан ташқари бу юксак мақомга муносиб бўлиш масъулиятини ҳис этади. Ғайридинлар эса охири замон пайғамбари ва у зот алайхиссалом умматларининг хусусиятларидан хабардор бўлгач, инсоф қилганлари Аллоҳ таолонинг фазли билан иймон келтирсалар ажаб эмас.

Агар мусулмонлар динларини юксалтиришда, суюкли расулларини инсонларга танитишда бепарво бўлишса, залолат эгалари ва ботиллик тарғиботчилари инсонларга исломни нотўғри талқин этиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга лойик бўлмаган сифатларни бўхтон қилиб тажовуз қиласидар. Шундай экан, бу борадаги илм омонат, уни соф ҳолда сақлаб, кейинги авлодга етказиш фақат уламоларнинг эмас, Мұхаммад алайхиссаломга умматман, деган ҳар бир мусулмонга вожиб бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай инсон эканликлари, Аллоҳ азза ва жалла у зот алайхиссаломни қандай иззат-икром қилганини бошқа яқинларимизга ва бутун инсонларга маълум қилишимиз лозим.

Мұхаммад алайхиссаломни ўз умматларига танитишдаги ушбу ожизона уринишимизни Аллоҳ таоло қабул қилиб, йўл қўйган хато-нуқсонларимизни Ўз фазли или мағфират қилишини, ушбу битилганлар барча инсонларга ва хусусан мусулмонларга манфаатли бўлишини Аллоҳ таолодан дуо қилиб қоламиз. Аллоҳ таоло барчаларимизни Мұхаммад алайхиссаломга муносиб уммат бўлишимизни насиб этсин!

Роббимиз азза ва жалла Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнигина хослаб иззат-икром қилган, шарафлаган хусусиятлар қуидаги қисмларга бўлинади:

- дунё ва охиратда у зот алайхиссаломга тегишли бўлган ва бошқа анбиёлардан хосланган Аллоҳ таолонинг иззат-икроми;
- дунё ва охиратда у зот алайхиссаломнинг умматлари борасидаги Аллоҳ таолонинг эҳтироми;

Ушбу қисмларнинг аввалгисига тегишли бўлган хусусиятларини баён қилишдан бошлаймиз.

Қадр кечасидан кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд кунлари улуғроқ ва шарафлироқдир.

Қадр кечасини Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тухфа қилиб берди. Тухфанинг қадри баландми ё тухфа қилинган зотнингми? Албатта тухфадан кўра тухфа қилинган зотнинг қадри юксакдир.

Қадр кечаси фақат мусулмонлар учун бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча халоик учун раҳматдирлар. Фақат мусулмонлар учун бўлган тухфа улуғми ё барча халоик учун тухфа қилинган раҳматми? Шубҳасиз, барча халоикқа берилган раҳмат афзал.

Ашаддий кофир Абу Лаҳаб у зотнинг таваллудларига кўрсатган ҳиммати хурсандчилиги эвазига ўша кунда дўзахдан озод қилиниб турса, иймонли ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббатли кишининг бу куни хурсандчилик қилиб нишонлашига бериладиган ажр-у савоб қандай бўларкин?

Дилшод Солиҳов